ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Равшан Йўлдошевич Маҳаммадалиев
Чирчиқ давлат педагогика институти
Табиий фанлар факультети
География кафедраси

Адҳам Абдуғаниевич Ниязов
Чирчиқ давлат педагогика институти
Табиий фанлар факультети
География кафедраси
магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда темир йўл транспортининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳар томонлама таҳлил этилиш билан бирга, мазкур транспорт тармоғининг вужудга келиши, шаклланиши ҳамда ривожланишига таъсир қилган омиллар қайд этилган. Шу билан бирга транспорт тармоқларида темир йўл транспортининг аҳамияти бугунги кундаги функцияси ва истиқболдаги ривожланиш босқичлари ёритилган.

Калит сўзлар. таранспорт тармоғи, транспорт тўри, юк ҳажми, логистика, юк айланмаси, таъминланганлик даражаси, йўловчи, иқтисодий ижтиоий фактор, транспорт йўлаги.

HISTORY AND PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF RAILWAY TRANSPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Ravshan Yuldashevich Mahammadaliev
Chirchik State Pedagogical Institute
Faculty of Natural Sciences
Department of Geography

Adham Abduganiyevich Niyazov
Chirchik State Pedagogical Institute
Faculty of Natural Sciences
Master of Geography

ABSTRACT

This article provides a comprehensive analysis of the role and importance of railway transport in Uzbekistan, as well as the factors influencing the emergence, formation and development of this transport network. At the same time, the importance of railway transport in the transport sector, its current function and future stages of development are highlighted.

Keywords. transport network, transport network, cargo volume, logistics, freight turnover, level of provision, passenger, economic and social factor, transport corridor.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255

КИРИШ

Транспорт географиясида қуруқлик(автомобил, темир йўл, қувур), ҳаво ва сув(дарё, денгиз) транспортлари ажратилиб ўрганилади. Фанда уларнинг ҳар бирининг ўрни, юк ташиш имкониятлари, юк ташиш ҳажми, уларга хизмат қиладиган инфраструктура, уларни ташкил этишнинг табиий-географик, иқтисодий-ижтимоий омиллари алоҳида-алоҳида тарзда ўрганилади.

Темир йўл транспорти ҳам мамлакатимизда ўз тарихига ва анъаналарига эга траснпорт соҳаси сифатида тараққий этиб келмоқда. Юртимиз ҳудудининг катта қисми (78,7 %) ни текисликлар ташкил этганлигидан, темир йўл қуриш ва ундан фойдаланиш мактаби шаклланганидан, темир йўл транспортининг иқлимга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракатланишидан келиб чиқадиган бўлсак бу соҳанинг аҳамияти янада намоён бўлади.

Юртимизда темир йўл транспортининг ўрни, тарихи, ривожланиши ва истиқболи хақида маълумот берувчи манбаларнинг етарли эмаслиги, борлари ҳам тармоқ доирасида тор йўналишдагина маълумотлар бериш билан чекланиб қолганлиги шу соҳани янада чуқурроқ ва таҳлилий-мажмуавий равишда ўрганиш заруратини кун тартибига қўяди.

Темир йўл транспорти географияси тўғрисида маълумотларга асосан умумий равишда транспорт географиясига оид адабиётлар, мақолалар, монографияларда бир бўлим сифатидагина тўхталиб ўтилади. Бу манбаларда ҳам асосан темир йўлларнинг узунлиги, электрлашганлиги ташилган юк ва йўловчи кўрсаткичлари билан чекланилади. Бу эса маълумотларни тўлиқ олиш имконини бермайди. Соҳага оид маълумотга эга бўлиш учун бир неча адабиётларга, интернет ресурсларига мурожаат қилиш заруратини туғдиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мазкур соҳага оид ишларда санаб ўтилган маълумотлардан ташқари темир йўл транспортининг қатнов тиғизлиги, тезлиги, манзилга етиб бориш учун сарфланадиган вақт, тўхтаб ўтиш станциялари, у ерлардаги инфраструктуранинг ташкил топишига таъсири, аҳоли бандлигидаги иштироки, халқаро ва маҳаллий юкларнинг ташилиш йўналишлари, уларнинг турлари, юкларни темир йўлларда ташиш мавсумийлиги, халқаро ва маҳаллий юкларнинг оқими, мамлакат ва халқаро доирада ташилаётган юкларнинг ассортименти ва ҳажми каби маълумотларни ҳам умумлаштиришни тақозо этмоқда.


Ҳозирги кунда Ўзбекистон темир йўлларининг умумий узунлиги 6950,0 км.дан ортиқ ни(01.01.2020 йил ҳолатига) ташкил этиб, шундан 2500 км. и электрлаштирилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255

Ўзбекистонда мавжуд бўлган транспорт турлари орасида етакчи ва муҳим ўринни темир йўллар эгаллайди. Темир йўл транспортининг бошқа транспорт турларига нисбатан яна бир афзаллиги атроф-муҳитга кам зарар етказади, унинг юк ва йўловчилар ташиш қобилияти жуда юқори бўлиб, об-ҳавонинг ноқулайликларига қарамай мунтазам равишда ҳаракатда бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Темир йўл транспортининг ўрнини қуйидаги маълумотлар таҳлили орқали ҳам тушуниб етишимиз мумкин. Мисол тариқасида 2020 йилнинг январ-март темир йўл транспорти орқали – 17,1 млн. тонна юк ташилди. (1-расм)



1-расм.

2020 йилнинг январ-март ойларида темир йўл транспорти юк айланмаси ҳажми 5 500,5 млн. т-кмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,4 млн. т-кмга ёки 2,1 % га ўсиш кузатилди. (2- расм)



2-расм.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255

2020 йил январь-март ойларида магистрал темир йўл транспорти орқали 17,1 млн. тонна юк ташилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 100,9 % ни ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан темир йўл транспорти юк айланмаси 114,4 млн. тонна-кмга ошиб, 5 500,5 млн. тонна-кмга етди. Шу билан бирга, йўловчи айланмаси 78,4 млн. йўловчи-кмга камайиб, 946,0 млн. йўловчи-кмни ташкил этди. (3-расм)



3-расм.

Темир йўл транспорти орқали ўртача бир кунда юкларни жўнатиш 2020 йилнинг январ –март ойларида 187,8 минг тоннани ташкил этди ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан нисбатан 0,9 % га ошди. Бир тонна юк жўнатишнинг ўртача масофаси 321,8 кмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври даражасидан 1,2 % га ўсиши кузатилган.

2020 йилнинг январь-март ойларида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти орқали ташилган юк турларининг 2019 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари ёғоч юклари (259,0 %), дон ва ёрмалар (121,8 %), турли рудалар (120,4 %), кўмир (110,4 %) ва нефть юкларида (107,1 %) кузатилди. Шу жумладан, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан кўрилганда пахта толаси (36,6 %), қурилиш юклари (81,3 %), қора металл парчалари (88,7 %), қора металлар (89,0 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (93,9 %), цемент (95,4 %), картошка, полиз маҳсулотлари ва ҳўл мевалар (97,2 %) камроқ жўнатилгани кузатилди. Темир йўли транспортида ташилган жами юк ҳажмида энг юқори

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255

улуш турли рудалар (9,3 %), нефть юклари (9,1 %), кўмир (7,2 %), цемент (6,5 %), қурилиш юклари (5,8 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (5,7 %), бошқа юкларга (50,9 %) тўғри келган.

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон темир йўллари 5 та минтақавий темир йўл узелларидан таркиб топган. Булар: “Тошкент” МТУ, “Қўқон” МТУ, “Бухоро” МТУ, “Қўнғирот” МТУ, “Қарши” МТУ ва “Термез” МТУлардир. Мазкур минтақавий темир йўл узелларида жами 269 та станциялар мавжуд бўлиб шундан 227 таси станциялар, 42 тасини эса разъездлар ташкил этади. Станциялар сони бўйича “Тошкент” МТУ 1-ўринда туради(жами 59 та станция). (4-расм)

4-



расм.

Мамлакатимизда темир йўлларнинг қурилиши тарихини кўриб чиқсак, шартли равишда уни қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Темир йўллар қурилиши Чор Россияси мустамлакачилиги даврида;
2. Темир йўллар қурилиши Совет давлати ва Иттифоқи даврида;
3. Истиқлол йилларида темир йўл қурилиши.

Дастлаб темир йўлларнинг қурилиши ҳарбий ва сиёсий мақсад нуқтари назаридан қурилган. Дастлабки темир йўл 1886 – 1888 йилларда Фароб станциясидан Самарқандгача ўтказилган. 1888 йил май ойида Амударё орқали 2,7 км узунликдаги ёғоч кўприк қурилиши билан темир йўл Самарқандгача ётқизилди. Сўнгра мазкур йўл 1895-1897 йилларда Урсатевск(Ховос) станциясидан Қўқонгача давом эттирилди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255

1898 йилда Каспийорти темир йўлининг узунлиги 1579 верстга етади.(1 верст 1,066 км) 1890 йилда Самарқанд –Андижон темир йўли билан қўшилиб кетиши муносабати билан Каспийорти темир йўли Йўллар алоқаси вазирлиги (Министерства путей сообщения) ихтиёрига ўтказилади ва Ўрта Осиё темир йўллари номини олади. Шу даврда Ўрта Осиё темир йўллари Сирдарё(1867 йилда Туркистон генерал губернаторлигида таркибида ташкил этилган), Самарқанд(1887 йилда Туркистон генерал губернаторлигида таркибида ташкил этилган), Фарғона(1876 йилда Туркистон генерал губернаторлигида таркибида ташкил этилган), Каспийорти вилоят(1881 йилда Туркистон генерал губернаторлигида таркибида ташкил этилган)лари ва Бухоро амирлиги ҳудудларидан ўтган. Темир йўлларнинг умумий узунлиги тармоқлари билан 2354 верстни ташкил этган.

1899 йилда темир йўл Тошкентгача етказилди. 1906 йил январ ойида Тошкент – Оренбург темир йўли ишга туширилган. 1907 йилда Қўқон - Бухоро, 1913-1916 Фарғона халқа йўлининг Қўқон – Андижон – Наманган қисми, 1913-1915 йилларда Когон- Амударё станцияси ва Қарши – Китоб шахобчалари қурилган. 1917 йилга қадар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида темир йўлларнинг узунлиги 1,1 минг км. бўлган.

1913 йил ҳолатига кўра Ўрта Осиё темир йўлларнинг умумий узунлиги 2740 кмни ташкил қилган. Республикамиз ҳудудидаги темир йўлларнинг узунлиги эса XX асрнинг 20-йилларида 1589 кмни ташкил этган. XX асрнинг 20 йилларида Ўрта Осиё темир йўлларида реконструкция ишлари олиб борилиб, 2 та янги линиялар қурилди. Булар: 1925 йилда Амударё – Термиз, 1926 йилда Термиз – Жарқўрғон ва Фарғона – Қизилқия, 1927 йилда Андижон – Тентаксой(Ҳозирги Пахтаобод тумани яқинидаги станция), 1928-1932 йилларда эса Жарқўрғон –Душанбе, Душанбе – Янгибозор, Ассоқа –Шахрихон, Қорасув –Ўш, Жалол Обод –Кўк-Янғоқ (Ҳозирги Қирғизистон Республикасидаги шаҳарлар), 1933 йилда Конибодом –Шўраб (Ҳозирги Тожикистон Республикасидаги шаҳарлар), 1935 йилда Учқўрғон –Тошкўмир.


Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Ангрен кўмир ҳавзасига ва Чирчиқ электрокимё комбинатига темир йўл излари қурилган. 1941-1945 йилларда узунлиги 118 км бўлган Тўқимачи- Ангрен линияси ҳам қурилган.

Урушдан кейинги йилларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида янги темир йўл учатскалари қурилди: 1947 йилда Салар-Барраж, 1957 йилда Чоржўй-Қўнғирот, 1962 йилда Навоий-Учқудуқ ва Жиззах – Сирдарё (ҳозирги Меҳнат), 1966 йилда Келес-Ўзбекистон, 1967 йилда Барраж – Хожикент, 1970 йилда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255

Суперфосфат (ҳозирги Мароқанд)- Қашқадарё, 1974 йилда Термиз – Қўрғонтепа, 1975 йилда Тахиатош – Нукус, 1980 йилда Нукус – Чимбой. (5-расм).

5-расм.



МУҲОКАМА

Айниқса бу даврда қурилган темир йўл линиялари орасида 1972 йилда қурилган узунлиги 408 км ни ташкил этувчи Қўнғирот- Бейнов йўлининг қурилиши Ўрта Осиёни Собиқ Иттифоқнинг Европа қисмига имкон берган. Шунингдек Устюртдаги фойдали қазилмаларни ташишда муҳим аҳамият касб этган.

1982 йилда Термиздан Амударё орқали Афғонистонга ўтишга имкон берувчи темир ва автомобил йўлининг қурилиши жанубий давлат билан иқтисодий-транспорт алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

1990 йилгача Нукус-Чимбой темир йўли ҳам қуриб битказилган. Республика Арис(Фароб)-Оренбург темир йўли орқали Урал, Волгабўйи, Марказий ва Жанубий иқтисодий районлари билан, Арис-Новосибирск темир йўли орқали Қозоғистон, Ғарбий Сибир, Шарқий Сибир ва Узоқ Шарқ билан боғланган.Тошкент –Красноводск темир йўли орқали Туркманистон, Кавказорти, Шимолий Кавказ иқтисодий районлари билан боғланган. Термиз-Душанбе ва Термиз-Қўрғонтепа йўллари орқали эса Тожикистон билан, Қирғизистон билан эса Арис-Лугава-Бишкек ва Андижон-Жалолобод-Ўш орқали уланган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бир-бирига боғлиқ бўлган темир йўлларда давлатларнинг мустақил темир йўл линияларига эга бўлиши билан қатор муаммолар юзага келди. Кун тартибида мамлакатнинг барча ҳудудларини марказ билан боғлашга имкон берувчи темир йўл линиялари қуриш юзага келди. Ўзбекистоннинг марказ билан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ва Сурхондарё вилоятлари билан боғловчи йўл Туркманистон

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255

Республикаси орқали ўтар, бу эса йўловчиларни ва юкларни манзилга етказишда турли муаммо ва узилишларни келтириб чиқарар эди. Шу билан бирга Фарғона водийси билан боғловчи темир йўл Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти орқали ўтарди. Шу сабабли 1993 йилдан бошлаб юқоридаги ҳудудларни марказ билан боғлаш, темир йўл мустақиллигига эришиш борасида магистрал темир йўл линияларини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Бу эса 2018 йилга келиб республиканинг барча ҳудудларини темир йўл тармоғи билан боғлаб олиш ва темир йўл транспорти мустақиллигига эришишга имкон берди.

Мустақиллик йилларида қуйидаги темир йўл линиялари қурилиб, фойдаланишга топширилди: 1993 йилда Нукус-Қумшунғул, 1994 йилда Қумшунғул-Чимбой, Нукус-Султон-Увайс (79 км), 1996 йилда Туямўйин-Тўрткул(60 км), Чимбой-Қўмшунғул, 1995 йил январдан 2001 йил 1 февралга қадар Учқудуқ II-Султон-Увайстоғ (342 км), 1995 йил декабрдан 2009 йил 20 августга қадар Тошғузор-Қумқўрғон, 1997 йилда Яккабоғ-Чироқчи (12 км), 1998-1999 йилларда Шовот-Жумуртов (55 км) йўллари қурилган.

Мамлакатимиз Ҳинд океанига чиқиш, шунингдек шимолдаги давлатларни жанубий Осиё давлатлари, шунингдек Жануби-Ғарбий Осиё давлатларига ўтиш истиқболини яратувчи 75 км узунликдаги Хайратон-Мозори-Шариф темир йўли 2010 йилнинг 22 январида очилди.

Навоий — Учкудуқ — Султонувайстоғ — Нукус темир йўли 700 км ни ташкил этади. Шунингдек Ўрта Осиёда ягона бўлган темир ва автомобил кўприги Амудурёдан 681 метр узунликда ўтказилди. 223 кмни ташкил этувчи Тошғузор-Бойсун-Қумқурғон темир йўли юк ва йўловчи ташиш масофасини 170 км га қисқартириш билан бирга транзит тўловлардан озод қилди.

Тошғузор-Бойсун-Қумқурғон темир йўлини қуриш давомида Тошқўрғон, Дехқонобод, Окработ, Дарбанд, Бойсун каби 9 та платформа ва бекатлар денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда тоғлик рельефида қуриб фойдаланишга топширилди. Мазкур линияда 43 та темир йўл кўприклари ва ўтказгичлари, шулардан 9 таси денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда қурилган.


Мазкур йўлнинг қурилиши ягона темир йўл тармоғини яратиш учун артерия бўлиб, жанубий ҳудудлар бўлган Қашқадарё ва Сурхондарёни мамлакатнинг бошқа вилоятлари билан боғлади. Бу йўл трансафғон коридори орқали жанубий ва жануби-шарқий давлатлар портларидан Ҳинд океанига чиқиш имконини берувчи йўлга айланди. (6-расм)

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255



6-расм.

Республиканинг хорижга жумладан, Жанубий ва жануби-ғарбий Осиё давлатларига чиқишида Машҳад-Серахс-Тажан темир йўлининг қурилиши муҳим бўлди. 1996 йил 13 май куни Машҳадда 295 км.ли мазкур йўлнинг очилиши бўлди. (7-расм)



7-расм.

2010 йилнинг 27 июлида Тўқимачи-Ангрен темир йўлини электрлаштириш якунига етказилди. 2011 йилнинг 8 октябрида Тошкент ва Самарқанд ўртасидаги 780 км ли масофада тезюрар “Афросиёб” поезди фойдаланишга топширилди. 2013 йил июлда Ангрен-Поп йўналишида 129 км ни ташкил қилувчи (шундан 19 км туннел) электрлаштирилган темир йўлини қуриш ишлари бошланди. Мазкур йўлда юк ташиш 2016 йилнинг июлидан йўлга қўйилди. 2015 йилнинг сентябрида тезюрар поезд қатрнови Самарқанддан Қарши шаҳригача узайтирилди.2016 йилнинг сентябрида тез

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255

юрар поездлар қатнови Самарқанддан Навоий ва Бухоро шаҳарларига ҳам қатнай бошлади. (8-расм)



8-расм.

2016 йилда 397 км масофани ташкил этувчи Конимех-Мискин темир йўли қурилиши бошланди. 2017 йилнинг март ойида мазкур йўлнинг бошланиш нуқтаси Бухоро станциясидан бошланишига қарор қилинди. 2017 йилнинг 1 сентябрига қадар Бухоро –Мискин темир йўлининг 355 км масофасига темир йўл изларини ётқизиш ишлари якунига етди.

2017 йилнинг феврал ойида Урганч-Хива темир йўлини қуриш ишлари бошланиб, 2018 йилда мазкур ишлар якунига етди ва шу билан бирга Хива янги темир йўл вокзали фойдаланишга топширилди.

2018 йил сентябрда Қарши-Китоб темир йўлини реконструкция ва электрлаштириш ишлари бошланиб, Тошкент-Китоб йўналишида тезюрар “Афросиёб” поезди қатнови йўлга қўйилди.

Айниқса Ангрен-Поп темир йўлининг қурилиши ва фойдаланишга топширилиши юртимизнинг темир йўл транспорти мустақиллигини таъминлаш билан бирга Ўзбекистоннинг транзит имкониятларини ҳам оширди. Истиқболда мазкур йўл муҳим транспорт коридори вазифасини ўташи, “Ипак йўли иқтисодий камари” лойиҳасининг асосий қисми бўлиши мумкин.


Туркманобод-Фароб темир ва автомобил йўлининг қурилиши Ўзбекистон ва Туркманистон Республикаларининг транзит потенциалини ошириш билан бирга, юкларни Туркманистон орқали Транскавказ транспорт коридорига чиқиш ва Жанубий ва Марказий Европа, шунингдек Яқин Шарқ, Жанубий ва Жануби-Ғарбий Осиё давлатларига етказиш имконини беради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255

2017 йил 22—23 мартда Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга давлат ташрифи давомида икки давлат ўртасида транспорт коридорларини ривожлантириш, кўплаб автомобил йўлларини реконструкция қилиш, транспорт хизматларида ўзаро преференциялар масалаларига қаратилди. Шу қаторида томонлар Тошкент – Олма Ота йўналишида тезюрар поезди қатновини йўлга қўйиш масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси 2019 йилда Хитой-Қозоғистон- Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон, шунингдек, Хитой-Қозоғистон-Ўзбекистон- Афғонистон йўналишлари бўйича тўғридан-тўғри контейнер поездларининг темир йўл орқали ташишида иштирок этди.

Яна бир муҳим истиқболли лойиҳа сифатида Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон давлатларини боғловчи узунлиги тахминан 600 км бўлувчи Мозори-Шариф-Қобул-Пешовар темир йўлининг қурилиши мамлакатимизнинг денгизга чиқиш ҳаражатларини 2-3 марта камайтиради. Шунингдек Ўзбекистон товарларининг Покистонга етиб боришига кетаётган 30-35 кунлик вақт 10-15 кунга тушиши мумкин. Бу йўл Россия ва Покистон ўртасидаги транспорт ҳаражатларини 15-20 % га қисқартиради. Албатта бу давлатлар ўртасида товар айланишининг фаоллашувидан транзит вазифасини ўтовчи давлатлар ҳам манфаатдор ҳисобланади. Мисол тариқасида 2020 йилда Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида 4 млн. Тонна юк ташилган бўлса йўл қурилиши билан юк ташилиши 10 млн. тоннага чиқиши мумкин. (9-расм.)



9-расм.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки ўзига хос транспорт таркибига эга, денгиз ва океанлардан узоқда, Европа ва Осиё мамлакатларининг марказида жойлашган Ўзбекистон Республикасида транспорт тизимларини, айниқса темир йўл линияларини ривожлантириш масаласи доимо долзарб масалалардан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз шимолдаги ва жанубдаги ҳамда ғарбдаги ва шарқдаги давлатларни боғлаб турувчи халқаро истиқболли лойиҳаларда фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Зеро мамлакатнинг транзит потенциали унга мазкур лойиҳаларда қатнашишга устуворлик беради. Шу билан бирга мамлакатимизда темир йўл инфраструктурасини янада ривожлантириш, йўналишларни электрлаштиришни жадаллаштириш, тезюрар поездлар қатнови географиясини кенгайтириш билан бирга мамлакат ҳудудлари доирасида ҳам ўзаро алоқадорликни янада ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Бунинг учун мамлакатимизда транспорт географиясини хусусан темир йўл транспортини мавжуд ҳолатини ҳар томонлама илмий таҳлил қилиш, унинг имкониятларидан фойдаланиш даражасини ўрганиш, баҳолаш ва прогнозлаш, янги линиялар заруратини ўрганиш, ўзини оқламаётган линияларни аниқлаш олдимизда турган вазифалардандир. Бунга эса темир йўл транспорти географиясини иқтисодий районлар кесимида таҳлил қилиб чиқиш ва уни мамлакат миқёсида умумлаштириш орқалигина эришилади.

Зеро, иқтисодий географиянинг бош тамойилларидан бири ҳам масалани ҳудудий ёндошган ҳолда ўрганиш ва мажмуавий тарзда умумлаштиришдан иборатдир.

REFERENCES

1. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.
2. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов (2020). ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ. Academic research in educational sciences, (4), 412-417.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255

3. Джураева, Л. В. (2020). Географияни укитиш жараёнида дидактик уйинли дарслардан фойдаланиш йуллари. Замонавий узлуксиз таълим сифатини ошириш, 125-129.
4. Shernaev, A. O. (2020). GEOGRAFIYA DARSLARINI O'QITISHDA ATLAS VA XARITALAR BILAN ISHLASH TEXNOLOGIYALARI. Academic research in educational sciences, (4), 657-662.
5. Oybek Uralovich Abdimurotov (2021). "YEVROSIYO MATERIGI"NI O'QITISHDA "KEYS STADI" METODIDAN FOYDALANISH USULLARI. Academic research in educational sciences, 2 (1), 377-382. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00048
6. Sherzod Ibroim O'Gli Ibroimov, & Saida Zunnunovna Mirzarahimova (2021). GEOGRAFIK NOMLARNING YOZILISHI VA TRANSKRIPSIYASI. Academic research in educational sciences, 2 (1), 789-798. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00100
7. Джумабаева, С. К. (2020). ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА НОАНЪАНАВИЙ МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
8. Шомуродова Шахноза Гайратовна Природные озера гор Тянь-Шань в зоне отдыха Чимган-Чарвак // Европейское научное обозрение. 2018. №9-10-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (дата обращения: 11.02.2021).
9. Sherzod Ibroim Oglu Ibroimov, & Xaytgul Omonboevna Begalieva (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА "ТАБИАТШУНОСЛИК" ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 438-445.
10. Ражабов, Ф. Т., & Абдимуротов, О. У. (2020). ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ КУРСЛАРИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЁТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
11. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Гулчехра Курдашевна Юсупова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 370-378.
12. Комилова Н.К., Хайдарова Ş. А., Халмирзаев, А.А., Курбанов, С.Б., & Раджабов, Ф.Т. (2019). Территориальная структура развития сельского хозяйства в Узбекистане с точки зрения экономической географии. Журнал перспективных исследований в области права и экономики , 10 (8 (46)), 2364-2372.
13. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Актути Араповна Туйчибекова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ (ТАБИИЙ ФАНЛАР МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 456-471.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00255

14. Джураева, Л. В. (2020). География дарсларида ахборот-коммуникация техналогияларидан фойдаланиш. Узбекистонда илм-фан ва таълим,(5), 473-475.
15. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов (2020). РЕКРЕАЦИЯ ВА ЭКОТУРИЗМ ЖИҲАТЛАРИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ) МИСОЛИДА. Academic research in educational sciences, (4), 486-491.
16. Lobar Vohidovna Djurayeva, & Muhammadbek Norbek Ogli Berdiqulov (2021). UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA GEOGRAFIYA FANINI O'QITISHNI YANADA RIVOJLANTRISH. Academic research in educational sciences, 2 (1), 128-132. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00017
17. Sherzod Ibroim Ogli Ibroimov, & Abdurauf Abdurahim Ogli Yusubaxmedov (2020). O'ZBEKISTON HUDUDINI TIBBIY-GEOGRAFIK BAHOLASH USULLARI. Academic research in educational sciences, (4), 418-424.
18. Абдимуротов, О.У. (2020). ВАЖНОСТЬ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ГЕОГРАФИИ ДЛЯ МЕЖДУНАРОДНОЙ ПРОГРАММЫ PISA. Экономика и социум , (5-1), 3-8.
19. Akbar Orolovich Shernaev (2021). GEOGRAFIYA DARSLARIDA “GEOGRAFIK SAYOHAT USULI” DAN FOYDALANGAN HOLDA DARSLARNI TASHKIL ETISH. Academic research in educational sciences, 2 (1), 370-376. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00047
20. Джураева, Л. В. (2020). География фанини укитишда локал ва хусусий методик даражада фойдаланиладиган техналогиялар (интерфаол методлар методлар). Интернаука, 18(147), 54-56.
21. Jurayeva, L. V., & Yeshinbetova, G. A. (2020). NOZOOGEOGRAFIK VAZIYATNI YAXSHILASHNING IJTIMOIY-IQTISODIY VA EKOLOGIK MUAMMOLARNI O’RGANISH PRINSIPLARI. Academic research in educational sciences, (4), 630-638.
22. Sharipov Shavkat Mukhamajanovich, Shomurodova Shahnoza Gayratovna, Gudalov Mirkomil Ravshanovich (2020) THE USE OF THE MOUNTAIN KARS IN THE TOURISM SPHERE IN CORT AND RECREATION ZONE OF CHIMGAN-CHARVAK. Journal of Critical Reviews, 7 (3), 475-481. doi:10.31838/jcr.07.03.87